

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ НОМАҚБУЛ ТЎСИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Усмонов Ботир Шукуриллаевич

н.ф.д., профессор,

Тошкент кимё-технология институти

Аннотация. Мамлакатимиз олий таълим тизимидағи номақбул тўсиқ элементлари инсон капиталини шакллантириши ва тараққиётга эришиши учун жиҳдий оқибатларга олиб келадиган жиҳдий муаммолардандир. Олий таълим тизими инсон капиталини яратишнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Бунда талабаларни ўқитиши ва битирувчиларнинг келажакдаги ишлаб чиқарии қийматини объектив аниқлаши амалга оширилади. Бироқ коррупцияга ўхшаган иллатлар талаба-ёшлиарнинг қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқаршида ёхуд юрт тараққиётини таъминлашида номақбул тўсиқ элементи сифатида сақланиб қолар экан, истикబолда мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тизимида улкан муаммолар сақланиб қолаверади. Мазкур мақолада шу каби олий таълимдаги номақбул тўсиқ элементлари таҳлил қилинган бўлиб, унинг ечими сифатида бир қатор ислоҳотларни амалга ошириши муҳимлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: олий таълим, номақбул тўсиқ элементлари, коррупция, коррупцияга қарши кураш, хавфсизлик, ҳалоллик, қонунийлик, жазонинг муқаррарлиги, инсон капитали.

I. КИРИШ

Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими тубдан ўзгарди, янги сиёsat, хориж тажрибалари ва турли хил таълим дастурлари жорий қилинди. Жумладан, мустақиллик йилларида илк бор 1992 йил 2 июлда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, 1997 йил 29 августда иккинчи бор янги таҳрирда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", 2020 йил 23 сентябрда учинчи бор янги таҳрирда "Таълим тўғрисида"¹²⁶ги Қонун қабул қилинди. Афсуски, амалга оширилган бу каби механизмлар номақбул тўсиқ элементларини бартараф эта олмади. Ўзбекистон Бош прокуратурасининг берган маълумотга кўра, 2019-2020 йилларда 326 нафар ходим таълим жараёни билан боғлиқ жиноятлари учун жавобгарликка тортилган, уларнинг 220 нафари коллеж ва лицейларга, 106 нафари олий ўкув юртларига тўғри келган. Институт ва университетларнинг жиноят содир этган ходимларидан 3 нафарини ректорлар, 5 нафарини проректорлар, 15 нафарини декан ва декан ўринбосарлари, 62 нафарини ўқитувчilar ташкил этган. Коллеж ва лицейларда эса, 34 нафар директор, 31 нафар директор ўринбосари, 94 нафар ўқитувчи жиноятга қўл урган. Бугунги кунда ҳам аҳвол хавас қиларгулик даражада эмаслигини 2025 йил 5 марта Ўзбекистон Президенти иштирокида коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида айтиб ўтилган фактлар ҳам тасдиқлайди. Шундай экан, айниқса, таълим тизимидағи номақбул тўсиқ элементи сифатида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишда самарали механизмларни жорий қилиш давлат ва жамият хавфсизлигининг кафолати бўлиб хизмат қиласди.

¹²⁶ Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. 23.09.2020

II.АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Номақбул түсік элементларининг энг күп күзга ташланадиган тури, албатта, коррупциядир. Коррупция ва унга қарши кураш масаласида жуда күплаб тадқиқотлар олиб борилған ва бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бу эса коррупцияни азалдан мамлакатни, жамиятни таназзулга етакловчи энг улкан хавф сифатида сақланиб қолаётганидан далолат беради. Бежизга машхур италиялик маърифатпарвар Никколо Макиавелли коррупцияни "йўтал"га қиёсламаган. Унингча: "Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб оддин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин"¹²⁷. Буюк француз маърифатпарвари Шарль Луи Монтескье эса уни шундай баҳолайди: "Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради"¹²⁸. Япониялик олимлар ўтказган, 82 та мамлакатни қамраб олган тадқиқотда, демократия даражаси паст мамлакатларда иқтисодиётда давлат улушининг кенгайиши коррупция даражасининг ошишига олиб келиши ўрганилган¹²⁹. Натижада давлат аппаратини қисқартириш иқтисодиётда давлат улушининг қисқаришига ҳамда ўз-ўзидан коррупция даражасининг тушишига олиб келиши исботланган. Бироқ демократик, иқтисолиётида давлат улуши кам бўлган баъзи давлатларда ҳам коррупция даражаси хавас қиласрарулик эмас эканлиги амалиётда намоён бўлмоқда. Шундай экан коррупциянинг салбий оқибатини англаған ҳолда ҳар бир давлат ҳокимияти ваколати эгаси ўз хатти-ҳаракатларини онгли ва вижданан амалга ошириши талаб этилади. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Санжар Ҳамроев бу борада тўхталиб шундай дейди: "коррупция туфайли ўзлаштирилган маблағлар жамият ва давлат муаммоларини ҳал этишга эмас, аксар ҳолларда кимларнингдир шахсий манфаатига хизмат қилади. Натижада қайсиdir мактаб таъмирланмайди, ёки қайсиdir шифохона қурилмай қолиб кетади. Бу эса аҳоли орасида ижтимоий норозилик кайфиятини уйғотиши табиий ҳолдир. Ушбу иллатдан ҳоли мамлакатни топиш амри маҳол. Дунёning исталган бурчагида коррупциянинг у ёки бу кўриниши учраб туради, энг хавфлиси, халқнинг давлатга, унинг органларига бўлған ишончи сусаяди ва натижада Ватанини, халқини, миллатини пулга «сотиш»га тайёр инсонлар кўпаяди"¹³⁰. Албатта, юқоридаги фикрлардан аён бўладики коррупциоген ҳолатлар номақбул түсік элементлари сифатида жамият ва давлатнинг асосларини заифлаштирувчи энг кучли омилдир.

¹²⁷ Макиавелли Н. Ҳукмдор. – Т.: «Давр пресс», 2019. – 144 б.

¹²⁸ Монтескье Ш. Қонунлар рухи ҳакида. Т.: "TRUST AND SUPPORT", 2024. – 43 б.

¹²⁹ Kotera, Okada, Samreth. Government size, democracy, and corruption: An empirical investigation. Economic modelling. Volume 29, issue 6, 2012. Pages – 2340-2348

¹³⁰ Ҳамроев С.С. Глобаллашувнинг миллий давлат суверенитетига таҳдидлари ва уларни бартараф этиш омиллари (сиёсий-фалсафий таҳлил). Т.: 2022. – 159 б. // Samievich, Khamroev Sanjar. "Threats to National State Sovereignty". American Journal of Social and Humanitarian Research 2.5 (2021): 89-98.

III. НАТИЖАЛАР

БМТ ҳисоб-китобларига кўра, коррупция, порахўрлик, талон-тарож қилиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш оқибатида ривожланаётган мамлакатлар йилига 1,26 триллион АҚШ доллари зиён қиласди. 2016-йилдан буён Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқа, шу мақсадда, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди, давлат хизматларини соддалаштирилиб, давлат харидларини тўлиқ рақамлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Бироқ мазкур чораларга қарамасдан ушбу иллатнинг сақланиб қолаётганлиги тараққиётга асосий тўсиқ сифатида баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф берилади: «Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш»¹³¹. Таърифдан англашиладики коррупциянинг асосий манбаси мансабдор шахснинг ваколат доирасидир. У ушбу ваколати доирасида мамлакат тараққиётига, миллат равнақига хисса қўшиши ёхуд таҳдид солиши мумкин. Афсуски, кейинги йилларда коррупция туфайли нафақат муайян мамлакат, балки бутун жаҳон иқтисодиёти катта йўқотишлирга учраётганлиги ачинарли ҳолатdir. Ўз-ўзидан иқтисодий йўқотишлир жамиятнинг қолган соҳаларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Биргина Ўзбекистон олий таълим тизимида қуйидаги ислоҳотларни амалга оширилганлиги ушбу соҳада номақбул тўсиқ элементларининг камайишига ижобий таъсир кўрсатди:

Биринчидан, олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш жараёнининг очиқ ва шаффоф тизими йўлга қўйилди. Абитуриентлар онлайн шаклда хужжат топширишлари, тест топшириш худудини ихтиёрий белгилашлари ҳамда 5 тагача таълим йўналишини танлашлари билан боғлиқ имкониятларнинг берилиши бу борадаги коррупсиоген омилларни бартараф қилди;

Иккинчидан, ўқитиши ва баҳолашнинг халқаро стандартларига ўтилди. Таълим жараёнида кредит-модуль тизими жорий қилинди. Бу ўқитиши ва баҳолашда шаффофликни таъминлаш, турли хил таъмагирлик ва коррупцион омилларни олдини олишга хизмат қиласди. Ўқитишининг кредит-модуль тизимида талабага ўзларининг қизиқишилари ва қобилиятларидан келиб чиқиб танлов фанларни ва профессор-ўқитувчilarни танлаш имконияти берилади. Олий таълим тизимини бошқаришнинг рақамлаштирилган тизими HEMIS дастурининг тадбиқ этилиши натижасида фанларни ўзлаштириш ва баҳолаш жараёнларида профессор-ўқитувчи ва талabalар ўртасидаги муносабатда инсон омили аралашувининг олди олинди. Дастур орқали талаба ва профессор-

¹³¹ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Конуни. 03.01.2017

үқитувчилар контингенти ва уларнинг ҳаракати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш имконияти яратилди;

Учинчидан, олий таълим муассасаси битирувчилари диплом олиш жараёнида сарсонгарчилик, сансалорлик, турли коррупсиоген ҳолатларга тушмасликлари учун уларга HEMIS ахборот тизими орқали дипломнинг электрон шаклини юклаб олиш имконияти яратилди. Қолаверса, якуний назоратлар тўлиқ ёзиб олиш учун мўлжалланган видеокамералар ўрнатилган аудиторияларда, дарс машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчилар иштирокисиз ташкил этилмоқда. Бу ҳам коррупцион хавф-хатарни олдини олишга хизмат қиляпти;

Тўртингидан, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш жараёнлари рақамлаштирилди. Талабаларнинг ўқишини кўчириш бугунги кунда тўлиқ тартибга солинган. Ўқиши қўчириш учун талабалар керакли ҳужжатларни вазирликка онлайн топширади. Ушбу аризалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат қабул комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади;

Бешинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг обрўйи ва мақоми оширилди. Уларнинг моддий даромади ва ижтимоий ҳимояси (уй-жой, машина, даволаниш) яхшиланди. Хусусан, профессор-ўқитувчиларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, санаторий ва курортларда даволанишини ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор берилди. Бундай имконият орқали профессор-ўқитувчилар бошқаларнинг «қўлига қараб қолмай» фаровон ва соғлом ҳаёт кечиришларига замин яратилди;

Олтинчидан, олий таълим муассасалари фаолиятининг очиқлиги таъминланди. Зарурий ахборотлар (таълим йўналишлари бўйича қабул квотлари, бўш иш ўринлари, молиявий ҳисоботлар, даромадлар ва харажатлар сметаси ва бошқ.) олий таълим муассасаларининг интернетдаги расмий сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларида бошқарув, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш мақсадида товар-моддий заҳиралар, мебель жиҳозлари, ўқув ва бошқа воситалар харидларини амалга оширишда «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида, электрон аукцион ва электрон дўкон орқали харидлар амалга оширилмоқда;

Еттинчидан, олий таълим муассасаларига педагог ходимлар ва ишчи хизматчиларни ишга қабул қилиш бўйича шаффоф тизим йўлга қўйилди. Талабгорларни ишга олиш жараёнида мавжуд низом талаблари асосида ҳужжатларнинг малака талабларига мослигини текшириш, номзоднинг кенг дунёқараш ва илмий тафаккур соҳиби эканлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган сұхбатлар кенг жамоатчиликка намойиш қилинган ҳолда очиқ ва шаффоф тарзда ташкил этила бошланди. Мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий аппарат комплексига мунтазам киритиб борилиши таъминланди;

Саккизинчидан, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва таълим муассасаларида коррупсиоген хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш

ишлари тизимли йўлга қўйилди. Президентнинг 2020 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан, барча олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ҳамда бўлим негизида коррупцияга қарши курашиш бўйича талаба-ёшлар клуби ташкил этилди.

IV.МУҲОКАМА

Аввало, номақбул тўсиқ элементлари нима эканлиги ҳақида тўхталиб ўтсак, номақбул тўсиқ элементлари деганда, муассаса ёки ташкилотнинг қонунийлиги ва самарадорлигига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, ишонч ёки ҳокимиятни сунистеъмол қилиш тушунилди. Шундай экан, тизимдаги номақбул элементлар унинг емирилишига замин ҳозирлайди. Натижада тизим деградацияга учрайди ва қолган тизимларни ҳам ишдан чиқаради. Уни бартараф этиш учун эса тегишли таъсир чораларини қўллаш талаб этилади. Шу жиҳатдан мазкур мавзу долзарб аҳамият касб этади.

Олий таълим тизими йўлидаги номақбул тўсиқ элементлари ва уларнинг кўп шакллари коррупцион хулқ-атворни ижтимоийлаштиради ва олий таълим муассасасининг инсон капиталини ишлаб чиқаришдаги ўқув ва сифат функцияларига путур етказади. Бундай элементнинг биринчи тури молиявий тўсиқлар бўлиб, бунда маъмурият томонидан олий таълим муассасаси маблағлари нотўғри фойдаланиши назарда тутилади. Номақбул тўсиқ элементларини танлаш олий таълим тизимидаги энг кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Бу ҳодиса порахўрлик орқали баъзи талabalарни ўқишига қабул қилишни таъминлашни ўз ичига олади. Яна бир шакл - бу курс баҳолари ёки имтиҳон натижаларини сотиш, баҳолаш тўсиқлари деб номланади. Аккредитация элементларида эса, пора ёки имтиёзлар эвазига касбий гувоҳнома беришни ўз ичига олади. Академик инсофсизлик ҳам тўсқинлик қилувчи элементларнинг бир шаклидир, лекин у деярли фақат талabalарга таъсир қиласи ва ўқитувчиларнинг ёмон назорати натижасида юзага келади. Шуни унутмаслик лозимки, жамият таълим ва тарбияси, аввало, ота-она ва устоз-ўқитувчилар қўлида экан, таълимдаги номақбул тўсиқ элементларининг мавжудлиги коррупциянинг гуллаб-яшнаши кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Номақбул тўсиқларнинг ижтимоийлашув элементлари уларнинг янги иштирокчиларга тарқалиши нуқтаи назаридан жуда кўп салбий оқибатларга олиб келади. Бироқ, бундай элементларнинг ижтимоийлашувига нафақат олий маълумот сабаб бўлиши мумкин, балки, ўрта таълим, оилавий ҳаёт, "ўзбекчилик" ҳам бундай хатти-ҳаракатларнинг манбаларидандир. Бу таъсирлар муҳим, аммо олий таълим ўзига хос рол ўйнайди, бунда унинг таъсирини алоҳида эътиборга олиш керак.

Иқтисодиёт ва ижтимоий фанларнинг замонавий назариялари одамлар яшайдиган ва ишлайдиган ташкилотлар қандай ишлаши ҳақидаги бир қатор танқидий тахминларга боғлиқ. Асосий тахмин шундан иборатки, бу муассасалар

улар ишлаб чиқилганидек ишлайди. Полиция фуқароларни ҳимоя қиласы, армия ватанни ҳимоя қиласы, шифокорлар беморларни энг яхши усулда даволайды, давлат хизматчилари ўз мамлакати манфаати учун ишлайди, университетлар талабаларни холис равишда ўқитади ва билимини синовдан ўтказади. Номақбул түсиқлар элементлари бу мисолларнинг барчасини бузади ва ҳар қандай ижтимоий масалага илмий ёндашишни қийин вазифага айлантиради. Ушбу элементлар кўпинча иқтисодга тортиш деб аталади, чунки улар самарадорликнинг йўқолишига ёки транзаксия харажатларининг ошишига олиб келади. Бироқ, бу тушунтириш ушбу түсиқларнинг барча асосий оқибатларини қамраб олмайди.

Номақбул түсиқлар элементлари ҳукумат самарадорлигини сезиларли даражада йўқотишига олиб келади, чунки мансабдор шахсларнинг манфаатлари рақобат ва коррупцион томонларнинг шахсий манфаатларига путур этказади. Бу давлат органларининг самарали ишлашига тўсқинлик қилмоқда ва фуқароларнинг зарур хизматлардан фойдаланишини қийинлаштироқда. Кўпгина муҳим хизматлар ижтимоийлаштирилган мамлакатда бундай оқибатлар шунчаки қўтарилишган харажатлар ёки истеъмолчиларга зарар етказишидан кўра жиддийроқ бўлиши мумкин. Муҳим хизматларнинг йўқолиши аҳолининг катта қисмини жиддий хавф остига қўйиши мумкин.

Маълумки, таълим инсон капиталини ривожлантиришнинг анъанавий усулидир. Мамлакатдаги инсон капиталининг даражаси кўпинча унинг таълим тизимининг сифати билан бевосита боғлиқдир. Таълим бўлмаса, ишчи кучи саводхонлик ва арифметика каби асосий кўникмаларга эга бўлмайди. Бироқ, инсон капиталининг тўлиқ ривожланиши учун янада илфор билимлар ҳам зарур.

Олий таълим янги инсон капиталини яратади ва мавжудларини қўллаб-қувватлади, мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини янгилайди. Бу, айниқса, жаҳон бозорида рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун инсон капиталини доимий равишда такомиллаштириш зарур бўлган Ўзбекистон учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йирик ва энг қулай олий таълим тизимларидан бирига эга. Олий ўқув юртларига ўқишига кираётган ўзбекистонлик талабалар сони муттасил ортиб бормоқда ва бугунги кунда уларнинг сони ҳар қачонгидан ҳам кўпайиб бормоқда. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига олий ўқув юртларида талабалар минтақадагидан кўпроқ. 2023-йилда ҳар 100 минг фуқарога 620 талаба университетларда ўқишига кирди, бу кўплаб ривожланаётган мамлакатлардан юқори кўрсаткичdir. 2017 йилдан бери докторантлар сони ҳам икки баравар ошди. Бу ўсишни олий таълим олиш имкониятининг ошиши ва оиласарнинг моддий ёрдамини яхшилаш билан боғлаш мумкин. Ўсиб бораётган талабни қондириш учун мамлакатимиздаги университетлар сони 208 тага етди¹³².

Ўзбекистонда олий таълим жуда обрўли. Аксарият талабалар буни ижтимоий мавқенини яхшилаш ва келажакдаги даромадларини ошириш учун муҳим деб билади. Таълим муассасаси ва мутахассисликни танлашда ота-оналар

¹³² Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий статистика маълумотлар базаси. 2025.

ва ўқитувчилар катта рол ўйнайди. Олий таълим кўпинча ижтимоий тараққиётга ёрдам берадиган узоқ муддатли оила сармояси сифатида қаралади.

Номақбул тўсиқлар элементлари кўплаб жамиятларда тарихан мавжуд бўлган муҳим ва доимий муаммодир. Шахсий манфаатлар кўпинча жамоат манфаатларидан устун бўлиб, турли хил коррупцион хатти-ҳаракатларга олиб келади. Ушбу мавзу бўйича жуда кўп адабиётлар мавжуд бўлса-да, муаммо замонавий воқеликда жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

Одатда, номақбул тўсиқ элементлари шахсий манфаатлар учун ҳокимиятни сусистеъмол қилишни англатади. Шуни ҳисобга олиш керакки, номақбул тўсиқлар элементлари турли даражаларда намоён бўлиши ва оддий порахўрликдан тортиб мураккаб схемаларгача турли шаклларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон олий таълими кўплаб номақбул тўсиқлардан азият чекмоқда. Бунинг асосини БМТ тараққиёт дастури доирасида Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши кураш агентлиги, Корея Республикасининг Коррупцияга қарши кураш ва фуқаролик ҳукуқлари бўйича комиссияси ва Евropa Иттифоки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда жамоатчилик ва ҳукуматнинг коррупцияга муносабатини баҳолашга қаратилган тадқиқотда кўришимиз мумкин¹³³. Сўровнома иштирокчилари соғлиқни сақлаш (56,4 фоиз), таълим (айниқса, олий таълим – 39 фоиз) ва ҳокимликларни (25,6 фоиз) энг коррупциялашган соҳалар деб атаган. Чунки, коррупцион танлов орқали ўқишга кирган битирувчилар жамиятда бевосита зарар етказиши мумкин. номақбул тўсиқларнинг элементларини кузатишдан ташқари, улардан фойдаланиш коррупцион хатти-ҳаракатларнинг янада ижтимоийлашувига олиб келиши мумкин. Мисол учун, яқинда ўзбекистонлик талабалар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, атиги 48 фоизи университетга кириш учун пора беришни нотўғри деб билади. Номақбул тўсиқлар элементларининг ижтимоийлашувининг юқори даражасиadolатли таълим тизимини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларга путур этказиши мумкин.

Олий таълимдаги баҳолаш тизимидағи номақбул тўсиқлар қаторига нолойиқ талабаларга пора ёки бошқа совғалар эвазига ноқонуний баҳолар бериш киради. Бунинг тез-тез тилга олинадиган сабаблари орасида ўқитувчилар орасидаги моддий етишмовчилик, олий таълим муассасаларининг кўпроқ пулга бўлган эҳтиёжи ва коррупцион хатти-ҳаракатлар ижтимоийлашган ўтиш даври киради. Пора бериш ташаббуси талаба томонидан келганда номақбул талаб томонидаги тўсиқлар пайдо бўлади. Талабалар ўз ташаббуслари билан коррупцион хатти-ҳаракатларга қўл уришига асосий сабаб, талабаларнинг ҳалол ўқишга вақт ва куч сарфлашни истамаслигидир. Баъзи ҳолларда талабалар вақт ва молиявий чекловлар билан боғлиқ тизимли босимлар туфайли порахўрлик билан шуғулланишга мажбур бўлишлари мумкин.

Номақбул тўсиқларнинг юмшоқ элементларига молиявий мукофотсиз ноқонуний даражадаги ўзгаришлар киради. Бунга ўқитувчиларга совғалар ёки баъзи талабаларга нисбатан қулай муносабат киради. номақбул тўсиқларнинг

¹³³ Ўзбекистонда жамоатчилик ва ҳукуматнинг коррупцияга муносабатини баҳолаш бўйича тадқиқот ҳисоботи. Т.: Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024. – 9 б.

бундай элементлари камроқ кўриниши мумкин, аммо барibir таълим сифатига путур этказади.

Баҳолаш учун номақбул тўсиқлар элементлари олий таълимнинг асосий мақсади ва қийматини бузади. Улар ўқув ютуқлари ва ҳалол меҳнатни сусайтиради, самарали ўрганишга тўсқинлик қиласди ва инсон капитали сифатини пасайтиради.

Баҳолашдаги номақбул тўсиқлар элементлари ўқувчилар ўртасида бузук хатти-ҳаракатларни ижтимоийлаштириши мумкин ва бу нормага айланади. Коррупцияга одатланган талабалар бу хатти-ҳаракатни ўзларининг касбий ҳаётларида олиб боришлари мумкин, бу эса жамиятда номақбул тўсиқларнинг янада кенг тарқалган элементларига олиб келади ва уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш қобилиятини пасайтиради.

Ривожланган мамлакатларда номақбул тўсиқлар элементларига қарши курашишнинг оммавий фаолият ва расмий жазо каби энг кенг тарқалган усуллари қўлланилади. Ўзбекистон шароитида ҳам буни кўришимиз мумкин. Бироқ, улардан фойдаланиш кўпинча курсонлар иштирокининг паст даражаси ва коррупцион амалиётларни исботлаш қийинлиги билан чекланади.

Номақбул тўсиқларнинг элементлари ижтимоийлашувдан мустақил бўлган тенгсизликлар туфайли юзага келиши мумкин. Бундай тенгсизликни бартараф этишининг асосий воситаси иқтисодий фаровонликни оширишидир, бу эса билимли одамга кўпроқ таъсир қиласди. Бунга сифатли олий маълумот туфайли даромадни ошириш орқали эришилади.

V.ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги номақбул тўсиқ элементларининг ҳозирги даражаси давлат учун жиддий муаммо туғдирмоқда. Буни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев иштирокида 2025 йилнинг 5 март санасида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида айтиб ўтилган бир қатор номақбул тўсиқ элементлари ҳақидаги фактлар ҳам исботлайди¹³⁴. Тўсиқларнинг ҳукумат сиёсати ва қоидаларини эгаллаб олиш қобилияти ҳукуматнинг бошқарув қобилиятини заифлаштиради. Тўсиқ элементлари ижтимоий устуворликлардан воз кечиш бўлиб, натижада ҳатто энг фойдали дастурларнинг ҳам ёмон амалга оширилишига олиб келади. Тўсиқлар элементлари мамлакатнинг иқтисодий ўсишига, даромад даражасига ва инвестицияларига жиддий зарар етказиши мумкин. Улар, шунингдек, мавжуд инсон капитали ва унинг кейинги ишлаб чиқаришига таъсир қилиши мумкин. Номақбул тўсиқлар элементлари ва инсон капитали ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Инсон капиталини ривожлантириш тўсиқлар элементларини юмшата олади, аммо бу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон таълим тизими жиддий ислоҳотларга муҳтож.

¹³⁴ Мирзиёев Ш.М. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишидаги нутқи.
05.03.2025

VI.АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. 03.01.2017
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020
3. Мирзиёев Ш.М. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишидаги нутқи. 05.03.2025
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий статистика маълумотлар базаси. 2025.
5. Макиавелли Н. Хукмдор. – Т.: «Давр пресс», 2019. – 144 б.
6. Монтескье Ш. Қонунлар рухи ҳақида. Т.: “TRUST AND SUPPORT”, 2024. – 43 б.
7. Ҳамроев С.С. Глобаллашувнинг миллий давлат суверенитетига таҳдидлари ва уларни бартараф этиш омиллари (сиёсий-фалсафий таҳлил). Т.: 2022. – 159 б. // Samievich, Khamroev Sanjar. “Threats to National State Sovereignty” American Journal of Social and Humanitarian Research 2.5 (2021): 89-98.
8. Ўзбекистонда жамоатчилик ва ҳукуматнинг коррупцияга муносабатини баҳолаш бўйича тадқиқот ҳисоботи. Т.: Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024. – 9 б.
9. Kotera, Okada, Samreth. Government size, democracy, and corruption: An empirical investigation. Economic modelling. Volume 29, issue 6, 2012. Pages – 2340-2348